

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида:

УДК:6П 2.15.7:331.5(575.11)

ХОЛМАТОВА ШАҲНОЗА БАХТИЁР кизи

**ТУМАН БАНДЛИК ХИЗМАТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ (“Учтепа туман бандликка кўмаклашиш
маркази”)**

5A230107 – “Иқтисодиётда ахборот технологиялари ва тизимлари”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

т.ф.н., доцент А.А.Абидов

Тошкент-2018

Аннотация

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг тасарруфий ташкилотларида замонавий ахборот - коммуникация тизимларини кенг жорий қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш, иш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш ва ахборот алмашувини уйғунлаштириш, замонавий ахборот тизимларининг самарадорлигини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Мазкур ишда мавжуд дастурий воситалар ва уларни тармоқ технологиялари асосида онлайн режимида қўллаш таҳлил этилган. Бандлик хизматини ахборот-коммуникация технологиялар негизида ташкил қилиш ечимлари келтирилган. Бандлик хизматида ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотларини яратиш жараёнини моделлаштириш механизми тавсия қилинган.

Annotation

Use of modern information and communication systems in the ministry of employment and the labor relations and the subordinated organizations, development and improvement, the organization of duration of working process and integration of information exchange, increase in efficiency of modern information systems is considered relevant. In this work the analysis of the existing software from modernizations and introduction to them of network technologies to online the modes is made.

Decisions are provided in the employment service on the basis of information and communication technologies. The mechanism of modeling of creation of process of development of information and communication technologies in the employment service is offered.

Магистрлик диссертация иши «Иқтисодиётда ахборот технологиялари» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган

7 - сонли баённома « 15 » 1995 2018й

Илмий раҳбар: доц. Абидов А.А.



18.06.18
сана

Такризчи: Ш.Ф.Мухамедов

18.06.18

сана

Талаба:

Холматова Ш.Б.

Ш.Б. Холматова
ИМЗО

18.06.18
сана

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I. УЧТЕНА ТУМАН БАНДЛИК ХИЗМАТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ	12
1.1. Учтепа тумани бандлик хизматини вазифалари, давлат сиёсатидаги ўрни.	12
1.2. Меҳнат ва бандлик хизматини ижтимоий–иқтисодий кўрсаткичлари..	20
1.3. Учтепа туман бандлик хизматида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришдаги муаммолар	28
I-боб бўйича хулосалар.	37
II. БАНДЛИК ХИЗМАТИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	38
2.1. Маълумотлар базаси ахборот тизимининг муҳим қисми	38
2.2. Учтепа туман бандлик хизматини ахборот-коммуникация технологиялар негизида ташкил қилиш ечимлари.	47
2.3. Учтепа туман бандлик хизматида ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотларини яратиш жараёнини моделлаштириш..	56
II-боб бўйича хулосалар.	64
III. БАНДЛИК ХИЗМАТИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ..	65
3.1. Электрон ҳукуматнинг таркибий модулларида бандлик хизмати мақоми	65
3.2. Замонавий ахборот технологияларини бандлик хизматида қўллашда чет давлатлар тажрибаси.	75
3.3. Учтепа туман бандлик хизматида тармоқ технологияларини қўллаб бориш тенденциялари	87
III-боб бўйича хулосалар.	96
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	97
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	101
ИЛОВАЛАР	106

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Маълумки, Юртбошимиз мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсиясида сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Корхоналар билан мулкчилик ва хўжалик юретишнинг турли шакллари меҳнат режимлари ўртасида ишчи кучи самарали келиб туриши учун яхши ўйлаб кўрилган даромадлар сиёсати ва уларнинг даражасини солиқ тизими билан тартибга солиб туриш керак бўлади. Иш ҳақининг ўсишига хўжалик юретиш субъектларидан чеклашларни олиб ташланиши бюджетдан маблағ билан таъмин этиладиган ташкилотлар ходимларини моддий рағбатлантиришнинг пухта ўйланган чора-тадбирлари билан қўшиб олиб борилиши керак. Бу маълум даражада ақлий меҳнатни (илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият) рағбатлантириш билан боғлиқдир.

Дунёда бозор иқтисодиёти ривожланган бирор мамлакат йўқки, унда иш кучига бўлган талаб ва таклиф мувозанатига меҳнат соҳасида мослашувчанликни — тўлиқ иш вақтига ега бўлмаган меҳнат режимини, алоҳида бўлинган иш ўринларини ва ҳоказоларни кенг татбиқ этмасдан туриб эришиб бўлсин. Мисол учун Швецияни оладиган бўлсак, у ерда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш муаммоси муваффақиятли ҳал етилмоқда, ишловчи аёлларнинг 45 %га яқини тўлиқ бўлмаган иш вақтида меҳнат қилади.

Бозор муносабатлари кенгайгани сари бандлик хизмати, ишсиз фуқароларга тақдим этиладиган хизмат турларини кўпайтириш оркали ўз фаолиятини ривожлантириши зарур. Бу масалани самарли ечимларидан бири замонавий технологияларни қўллашдир. Чунки улар оркали таклиф